

Б.М.Умаров, Р.Н.Мелибаева,
А.Н.Сайдуллаев, Ё.Р.Рахмонова,
Т.Р.Бекмиров.

ЗАМОНАВИЙ ПЕДАГОГИК ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИ ТИББИЙ ТАЪЛИМГА ТАДБИҚИ



**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ
ВАЗИРЛИГИ**

ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ

**Б.М.Умаров, Р.Н.Мелибаева, А.Н.Сайдуллаев,
Ё.Р.Рахмонова, Т.Р.Бекмиров.**

ЗАМОНАВИЙ ПЕДАГОГИК ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИ ТИББИЙ ТАЪЛИМГА ТАДБИҚИ

Тошкент - 2019

УУК: 821.161.1

КБК: 84(8Ж)8

АННОТАЦИЯ

Ушбу ўкув-услубий кўлланмада тиббиёт йўналиши бўйича таҳсил олаётган талабалар учун таълим технологияларининг турлари, босқичлари, мақсад ва вазифалари, замонавий педагогик технологиялар ва уларни тиббий таълимга тадбиқи масалалари ўз ифодасини топган.

Мазкур ўкув-услубий кўлланма тиббий педагогика факультети, “Олий маълумотли ҳамшира” йўналиши талабалари, ТТА магистратура йўналишида таҳсил олаётган магистрлар, педагоглар ва барча қизиқувчилар учун мўлжалланган.

Тузувчиilar:

Б.М.Умаров – ТТА, психология фанлари доктори, профессор.

Р.Н.Мелибаева - ТТА, “Педагогика ва психология” кафедраси мудири, доцент.

А.Н.Сайдуллаев – ТТА, “Педагогика ва психология” кафедраси катта ўқитувчиси.

Р.Ё.Рахмонова - ТТА, “Педагогика ва психология” кафедраси катта ўқитувчиси.

Т.Р.Бекмиров - ТТА, “Педагогика ва психология” кафедраси ўқитувчиси.

Такризчилар:

К Ю Киличева. Педагогика фанлари доктори, профессор.

С.Д.Норқулов. Фалсафа фанлари доктори, доцент.

Ўкув-услубий қўлланма Тошкент тиббиёт академияси илчий кенгашининг
2018 йил 26 декабрь 5 сонли қарори билан наширга тавсия этилган.

КИРИШ

Юртимизда қабул қилинган "Кадрлар тайёрлаш миллий дастури" ва "Таълим түғрисида"ги Қонунда белгиланганидек юқори малакали мутахассисларни тайёрлашда энг илғор таълим технологияларини жорий этиш дөлзарб вазифадир. Бугунги кунда таълим технологиялари бўйича машғулотларни амалга ошириш - бу жаҳон таълим стандартлари талабларига мос равишда дарс ўтиш демакдир. Шунинг учун ҳам кейинги йилларда таълим тизимида замонавийтаълим технологиялари бўйича машғулотларни амалга оширишга алоҳида эътибор берилмоқда. Таълим технологиялари фан сифатида олий таълим тизимидан чуқур ўрин олмокда, чунки таълимга технологик ёндашув ўз самарасини кўрсатмоқда. Шу нуқтаи назардан талabalарга таълим технологиялари фани ҳақида маълумот бериш, уларни шу асосда ўз мутахассисликларига ёндашишга ўргатиш бугунги куннинг талабидир.

Ушбу ўкув-услубий кўлланма "Таълим технологияларит" курси бўйича таълимнинг стратегик асослари, педагогик технологиялар ва педагогик маҳоратнинг илмий-назарий асослари, талabalарда ўкув жараёнида педагогик технологияларни кўллаш бўйича керакли билим, кўнирма, малакаларни шакллантиришни кўзда тутади. "Таълим технологиялари" фани тиббиёт мутахассислиги бўйича таҳсил олаётган тиббий педагогика факультети талabalari учун мўлжалланган бўлиб, у бевосита талабаларда педагогик технологияларни кўллаш, педагогик маҳоратни шакллантиришга, таълим-тарбияда кўзланган мақсадга эришиш учун ўкув жараёнида кўлланиладиган усул, воситалар мажмуи ҳақида маълумотга эга бўлишга йўналтирилган.

ТАЪЛИМ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ТАРИХИ

1970-1980 йилларда АҚШда педагогик технологиялар оқими пайдо бўлди ва тезда барча илғор капиталистик давлатларни қамраб олди. Бу ҳаракат ЮНЕСКО томонидан қўллаб-кувватланди ва бу соҳада илғор педагогик тажриба Болгария, Венгрия, Польша, Россия каби давлатлар педагогларини ҳам қизиқтириб қолди.

Ҳозирги кунда педагогик адабиёт, таълим муаммоларига оид маърузалар, расмий хужжатларда "Таълим технологиялари", "Илғор педагогик технологиялар", "Замонавий педагогик технология" иборалари кенг қўлланилмоқда.

Педагогик технология кўп жиҳатдан ўтмиш машҳур педагогларининг орзуларига мос келади. Дидақтиканинг асосчиси Ян Амос Коменский ўн еттинчи асрдаёқ таълимнинг "вакт, фанлар ва методларни мохирона тақсимлашдан" бошқа нарсани талаб қилмайдиган умумий тартибини топишга ҳаракат қилганди.

Коменский фикрича, идеалда ўқитишнинг ягона мукаммал методи топилса, "ҳамма нарса оғирликлари тўғри мувозанатланган соатга нисбатан аниқроқ, фақат ана шундай маҳорат билан яратилган асбобда эришиш мумкин бўлган бехатолик билан илгарилади".

Жаҳон педагогика фани илмий-техника таракқиёти таъсирини бошидан кечириб, психология, кибернетика, тизимлар назарияси, бошқарув назарияси, бошқа фанлар муваффакиятларини бирлаштириб, ҳозирда фаол янгиланиш жараёнлари босқичида турар экан, инсон имкониятларини самарали ривожлантириш амалиётига бой маҳсул бермоқда.

Саноатда ижрочилар, агар улар техник хужжатлар талабларига аниқ риоя қилишса, шаклига боғлик бўлмаган, натижаси кафолатли минглаб технологик жараёнлар ишлаб чиқилган. Саноат

технолорик жараёнининг асосини деталнинг ишчи чизмаси ва йигув бирликлари чизмаси ташкил килади. Улар талабларига аниқ риоя қилиш деталларнинг ўзаро алмашинувчанигини таъминлайди, технолорик жараённинг такрорланадиган операциялари эса қайта тикланадиган технолорик тузилмани ташкил қиласи. Мана шунинг учун ҳам Ўзбекистонда чет эл технологияси асосида ишлаб чиқариладиган автомобилнинг сифати Жанубий Кореяда ишлаб чиқарилган автомобил сифатидан фарқ қилмайди.

Технология - тушунчаси юонча «маҳорат», «санъат», «тушунча», «ўрганиш» демакдир. Технология тушунчаси ишлаб чиқариш жараёнидаги технология операциялар ва маҳсулотни тайёрлаши мазмуни (сирлари) билан боғланган. Технология сўзи замонида жараёнларни амалга ошириш усуллари ва воситалар ҳақида билимлар иғиндиси, шунингдек, обьектда содир бўладиган сифат ўзгаришлари тушунилади. Таълим технологияси таълим методикаси тушунчасига қараганда кенгроқдир.

Ўқитувчилар, талаба ва ўқувчилар жамоасида ўзаро ёрдам, ҳамкорлик ва ижодий муҳитни яратишда замонавий педагогик технологияларнинг ўрни бекёс ҳисобланади. **Замонавий педагогик технологиялар** таълим жараёнини ҳар томонлама мукаммал лойихалаштириш, аниқ мақсадлар қўйиш ва уларга кафолатланган ҳолда эришиш, режалаштирилган натижаларни амалга ошириш имконини берувчи узвий боғланган **компонентлар иғиндиси** деб ҳисобланди

Педагик технология деганда, технолорик ёндашувларга айнан ўхшаш бўлган таълимда қўйилган мақсадларга эришиш кафолатланган таълим жараёни тушунилади. Бундай таълим жараёни технологиялаштирилган дейилади. Технологиялаштирилган таълим

жараёни ўқитувчи шахсига боғлиқ бўлмаган фақат талаба нинг шахси, эҳтиёжлари, талаблари ва хислатларига асосланган таълим жараёнидир. Талаба таълим жараёни марказида туради. Бунда дарсни ким олиб бораяпти (тажрибали ўқитувчими ёки ёш ўқитувчими) қатъий назар кўзланган якуний натижа (мақсадга кўра) га эришиш кафолатланиши лозим. Таълимда ўқитувчи факат ижрочи вазифасини бажаради.

Таълим жараёнини жадаллаштиришнинг асосий омиллари: таълим мақсадларини кучайтириш, ўкув мотивация (қизиқтириш)ни кучайтириш, таълим мазмунидаги ахборот сиғимини кенгайтириш, таълимда фаол метод ва шаклларни қўллаш, ўкув амалларини бажариш суратини ошириш, ўкув маҳоратини ривожлантириш, таълимда компьютер ва бошқа техника воситаларини қўллаш. Лекин бу анъанавий таълимдаги ишлар манзилга узоқ ва нотекис йўл билан гоҳида адашиб кетаётган йўловчининг ҳаракатига ўхшайди. Илғор давлатлардаги педагогик технология эса бу кўзланган манзилга тезроқ бораётган ва кисқа йўл танланган ҳаракатга ўхшайди.

ПЕДАГОГИК ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИНГ ПАЙДО БЎЛИШИ, ТАРАҚҚИЁТИ ВА АСОСИЙ ТУШУНЧАЛАРИ.

Такрорланадиган тузилмани педагогикада яратиш қийин. Бунга ўкув (таълим-тарбиявий) вазифаларнинг хилма-хиллиги, таълим мазмунининг бўлаклари ва ўкув материали турларининг ҳар хиллиги, уларни билиш фаолияти услубининг бир хилда намоён бўлмаслиги ва кўплаб бошқа омиллар тўскинлик қиласи.

Шундай бўлса-да, АҚШда таниқли олимлар Б.Блум, Д.Кратвол, Н.Гронlund, Ж.Керролл, Ж.Блок, Л.Андерсон ва бошқалар ҳаракати билан режалаштирилган натижаларга эришишни кафолатладиган,

такрорланадиган педагогик тузилмани ўз ичига олган педагогик технология ишлаб чиқылғанди.

Т.С.Назарова қайд этиб ўтганидек (1997 й.), 70-йиллар бошларида ривожланган мамлакатлар - АҚШ, Японияда педагогик технология масалалари бўйича журналлар чиқарила бошланган, кейинчалик бу муаммо устида ихтиослашган муассасалар (масалан, Буюк Британия ва АҚШда педагогик технология бўйича миллий кенгашлар) иш бошлаган [11].

Саноатда "юксак технология" ибораси бор. Улар, одатда, жуда мураккаб бўлади, катта сармоялар сарфланишини талаб қиласди, фаннинг сўнгги ютуқларига асосланади, ходимлардан маҳсус тайёргарликни талаб қиласди. Шундай бўлсада, улар маҳсулотнинг юқори сифати ва рақобатбардошлигини, пировард оқибатда салмоқли фойдани таъминлайди. Педагогик технологияни ўқитишдаги "юксак" методология қаторига киритиш мумкин, аммо унинг жорий қилиниши катта сарфларни талаб қилмайди. Таълим сифатининг калити пировард оқибатда алоҳида ўқув юрти ва аниқ ўқитувчи дейдиган бўлсак, педагогик технологияни ўзлаштириш, асосан, педагогларни ўқитишни талаб қиласди. Мазкур предметнинг мақсади уларга бундай ишда ёрдам беришdir.

70-80- йилларда АҚШда юзага келган педагогик технология оқими деярли барча ривожланган мамлакатларга тарқалди, ЮНЕСКО каби нуфузли ташкилот ҳам қизиқа бошлади. Технология ёрдамида эришилган муваффақиятлар тўғрисида нафақат АҚШ, Буюк Британия, Германия вакиллари, балки Коста-Рика, Филиппин, Туркия, Мальта вакиллари ҳам маъруза қилдилар. ЮНЕСКОнинг навбатдаги анжумани 1997 йилда Манила (Филиппин Республикаси)да, 1998 йилда Канада (Ньюфаундленд)да ўтказилган.

Юқорида айтиб ўтилганидек, таълим самарадорлигини оширишга технологик ёндашув ўттиз йиллар муқаддам АҚШда пайдо бўлганди. Мустакил Ўзбекистон МДҲ мамлакатларида биринчи бўлиб олимлар учун чет эл фанининг амалда ўзини оқлаган натижаларини, табиийки, Ўзбекистон анъаналари ва тажрибасини назарда тутиб англаш, танлаб олиш ва фойдаланиш имкониятларини яратиб, жаҳон педагогика фанига "дарча" очди.

ИЛҒОР ПЕДАГОГИК ТЕХНОЛОГИЯЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШНИНГ ИСТИҚБОЛЛАРИ.

Кўпгина мамлакатлар ўқитишида технологик ёндашувдан фойдаланиб, ўқувчилар ўзлаштиришини оширишда сезиларли муваффақиятларга эришдилар. Масалан, Жанубий Кореяда педагогик технология бўйича синов-тажриба тарзида ўқиётган 50 минг боладан 75% да анъанавий ўқитишида фақат энг яхши ўқувчилар эришадиган натижалар кўлга киритилган. Бир қатор бошқа мамлакатларда ўтказилган тажрибалар ўқитишининг бу тизимини кўллаш ўртacha ўқувчига одатий ўқитишида 80-85 % ўқувчилар эришадиган натижадан юқорироқ натижага эришиш имконини беришини кўрсатди.

Педагогик технологияни ўзлаштириш Сингапур, Корея ва Японияга 9-13 ёшлик ва охирги ўқитиш йилидаги болалар ўртасида математика бўйича дастлабки учта ўринни эгаллаш имконини берди (TIMSS учинчи ҳалкаро математика ва илмий тадқиқотлар маълумотига кўра). Бу далил-исботлар таълим ва кадрлар тайёрлаш сифатини ошириш учун мактаб ўқитувчилари ва ўрта маҳсус, касб-хунар ҳамда Олий таълим ўқув юртларининг профессор-ўқитувчилари педагогик технология методларини ўзлаштириб олишлари ва амалиётга жорий қилишлари лозимлигидан далолат беради. Бу кадрлар тайёрлаш

миллий дастурининг "янги педагогик ва ахборот технологияларидан фойдаланиб талабаларни ўқитишини жадаллаштириш..." талабига муносиб жавоб бўлади.

Хозирги кунда педагогика мухитида педагогик технологияга қизиқиш кучайганлиги кузатилмокда. Биз педагогик технологиянинг яхлит тизими назариясини баён қилишни мақсад қилиб қўймаганмиз. Вазифа мактаблар, ўрта маҳсус, қасб-хунар ва олий ўкув юртлари ўқитувчиларига таълимга технологик ёндашув тўғрисида минимал зарур ахборотни беришдан иборат. Бунда педагогик технологиянинг муштарийга технологик ёндашув элементларини ўзи мақсадга мувофик, деб ҳисоблайдиган ҳолатларда ўз иш амалиётига жорий қилиш имкониятини берадиган кенг тарқалган варианtlарини баён қилишга кўпроқ эътибор берилади.

«ИННОВАЦИОН ТЕХНОЛОГИЯ»ЛАР ТУШУНЧАСИ

Шу вақттача анъанавий таълимда талаба (ёки ўкувчи)ларни фақат тайёр билимларни эгаллашга ўргатиб келинган эди. Бундай усул талаба (ёки ўкувчи)ларда мустақил фикрлаш, ижодий изланиш, ташаббускорликни сўндирап эди.

Хозирги кунда таълим жараёнида интерфаол услублар (инновацион педагогик ва ахборот технологиялари)дан фойдаланиб, таълимнинг самарадорлигини кўтаришга бўлган қизиқиш, эътибор кундан-кунга кучайиб бормоқда. Замонавий технологиялар кўлланилган машғулотлар талаба (ёки ўкувчи)лар эгаллаётган билимларни ўзлари қидириб топишларига, мустақил ўрганиб, таҳлил қилишларига, ҳатто хulosаларни ҳам ўзлари келтириб чиқаришларига қаратилган. Ўқитувчи бу жараёнда шахс ва жамоанинг ривожланиши, шаклланиши, билим олиши ва тарбиялашишига шароит яратади, шу билан бир қаторда,

бошқарувчилик, йўналтирувчилик вазифасини бажаради. Бундай ўкув жараёнида талаба (ёки ўкувчи) асосий фигурага айланади.

Педагог - олимларнинг йиллар давомида таълим тизимида

Нега ўқитамиз?

Нимани ўқитамиз?

Қандай ўқитамиз? саволларига жавоб излаш билан бир қаторда *Қандай қилиб самарали ва натижали ўқитиш мумкин?*-деган саволига ҳам жавоб қидирдилар. Бу эса, олимваамалиётчиларни ўкув жараёнини *технологиялаширишга*, яъни ўқитиши ишлаб-чиқаришга оид аниқ кафолатланган натижа берадиган технологик жараёнга айлантиришга уриниб кўриш мумкин, деган фикрга олиб келди. Бундай фикрнинг туғилиши педагогика фанида педагогик технология ўйналишини юзага келтирди.

Бугунги кунда таълим муассасаларининг ўкув-гарбиявий жараёнида педагогик технологиялардан фойдаланишга алоҳида эътибор берилаёттанининг асосий сабаби қўйидагилардир:

Биринчидан, педагогик технологияларда шахсни ривожлантирувчи таълимни амалга ошириш имкониятининг кенглигигида. «Таълим тўғрисида»ги Конун ва «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури»да ривожлантирувчи таълимни амалга ошириш масаласига алоҳида эътибор қаратилган.

Иккинчидан, педагогик технологиялар ўкув-тарбия жараёнига тизимли фаолият ёндашувини кенг жорий этиш имкониятини беради.

Учинчидан, педагогик технология ўқитувчини таълим-тарбия жараёнининг мақсадларидан бошлаб, ташхис тизимини тузиш ва бу

жараён кечишини назорат қилишгача бўлган технологик занжирни олдиндан лойиҳалаштириб олишга ундайди.

Тўртшичидан, педагогик технология яиги воситалар ва ахборот усулларини қўллашга асосланганлиги сабабли, уларнинг қўлланилиши «Кадрлар тайёрлаш миллый дастури» талабларини амалга оширишни таъминлайди.

Ўкув тарбия жараёнида педагогик технологияларнинг тўғри жорий этилиши ўқитувчининг бу жараёнда асосий ташкилотчи ёки маслаҳатчи сифатида фаолият юритишига олиб келади. Бу эса талаба (ёки ўқувчи)дан кўпроқ мустақилликни, ижодни ва иродавий сифатларни талаб этади.

Хар қандай педагогик технологиянинг ўқув-тарбия жараёнида қўлланилиши шахсий характердан келиб чиқсан холда, талаба (ёки ўқувчи)ни ким ўқитаётганилиги ва ўқитувчи кимни ўқитаётганига боғлик.

Педагогик технология асосида ўтказилган машғулотлар ёшларнинг муҳим ҳаётий ютуқ ва муаммоларига ўз муносабатларини билдиришларига интилишларини қондириб, уларни фикрлашга, ўз нуқтаи назарларини асослашга имконияг яратади.

Хозирги даврда содир бўлаётган инновацион жараёнларда таълим тизими олдидаги муаммоларни ҳал этиш учун янги ахборотни ўзлаштириш ва ўзлаштирган билимларии ўзлари томонидан баҳолашга қодир, зарур қарорлар қабул қилувчи, мустақил ва эркин фикрлайдиган шахслар керак.

Шунинг учун ҳам, таълим муассасаларининг ўқув-тарбиявий жараёнида замонавий ўқитиш услублари - интерфаол услублар,

инновацион технологияларнинг ўрни ва аҳамияти бекиёсдир. Педагогик технология ва уларнинг таълимда қўлланишига оид билимлар, тажриба талаба (ёки ўқувчи)ларни билимли ва етук малакага эга бўлишларини таъминлайди. **Инновация** (инглизча innovation) янгилик киритиш, янгилик демакдир.

Инновацион тсҳнологиялар педагогик жараён ҳамда ўқитувчи ва талаба (ёки ўқувчи) фаолиятига янгилик, ўзгаришлар киритиш бўлиб, уни амалга оширишда асосан йнтерфаол услублардан фойдаланилади.

Интерфаол (**«inter»** - бу ўзаро, **«act»** - ҳаракат қилмоқ) - ўзаро ҳаракат қилмоқ ёки ким биландир сұхбат, мулоқот тартибида бўлишни англатади. бошқача сўз билан айтганда, **ўқитишининг интерфаол** услубиётлари билиш ва коммуникатив фаолиятни ташкил этишнинг махсус шакли бўлиб, унда таълим олувчилар билиш жараёнига жалб қилинган бўладилар, улар биладиган ва ўйлаётган нарсаларни тушуниш ва фикрлаш имкониятига эга бўладилар. Интерфаол дарсларда ўқитувчининг ўрни қисман талаба (ёки ўқувчи)ларнинг фаолиятини дарс мақсадларига эришишга йўналтиришга олиб келади.

Бу услубларнинг ўзига хослиги шундаки, улар фақат педагог ва талабаларнинг биргаликда фаолият кўрсатиши орқали амалга оширилади.

Бундай педагогик ҳамкорлик жараёни ўзига хос ҳусусиятларга эга бўлиб, уларга:

-талаба (ёки ўқувчи)нинг дарс давомида бефарқ бўлмасликка, мустақил фикрлаш, ижод қилиш ва изланишга мажбур этилиши;

-талаба (ёки ўқувчи)ларнинг ўкув жараёнида фанга бўлган қизиқишлигини доимийлигини таъминланиши;

- талаба (ёки ўқувчи)ларнинг фанга бўлган қизиқишиларини мустакилравишда ҳар бир масалага ижодий ёндашган ҳолда кучайтирилиши;
- педагог ва талабаларнинг ҳамкорликдаги фаолиятини доимийравишда ташкил этилишлари киради.

Педагогик технологиянинг асосий негизи-ўқитувчи ва талабанинг белгиланган мақсаддан кафолатланган натижага ҳамкорликда эришишлари учун танлаган технологияларига боғлик. Ўқитиш жараённида, мақсад бўйича кафолатланган натижага эришишда қўлланиладиган ҳар бир таълим технологияси ўқитувчи ва талаба ўртасида ҳамкорлик фаолиятини ташкил эта олса, ҳар иккаласи ижобий натижага эриша олса, ўқув жараённида талабалар мустакил фикрлаб, ижодий ишлаб, изланиб, таҳлил этиб, ўзлари хулоса қила олсалар, ўзларига, гурухга, гуруҳ эса уларга баҳо берса олса, ўқитувчи эса уларнинг бундай фаолиятлари учун имконият ва шароит яратса олса, ана шу - ўқитиш жараёнининг асоси ҳисобланади. Ҳар бир дарс, мавзу, ўқув предметининг ўзига хос технологияси бор. Ўкув жараёнидаги педагогик технология - бу аниқ кетма-кетликдаги яхлит жараён бўлиб, у талабанинг эҳтиёжидан келиб чиқсан ҳолда бир мақсадга йўналтарилган, олдиндан пухта лойиҳалаштирилган ва кафолатланган натижка беришига қаратилган педагогик жараёндир.

Педагогик мақсаднинг амалга ошиши ва кафолатланган натижага зришиш ўқитувчи ва талабанинг ҳамкорликдаги фаолияти, улар қўйган мақсад, танлаган мазмун, услугуб, шакл, воситага, яъни технологияга боғлик.

Ўқитувчи ва талабанинг мақсаддан натижага эришишида қандай технологияни танлашлари улар ихтиёрида, чунки ҳар иккала томоннинг асосий мақсади аниқ натижага эришишга қаратилган бўлиб, бунда талабаларнинг билим савиаси, гурӯҳ характеристи, шароитга қараб, ишлатиладигап технология танланади. Масалан, натижага эришиш учун балки, компьютер билан ишлаш лозимдир, балки фильм (ёки тарқатма материал, чизма ва плакат, ахборот технологияси, турли адабиётлар) керак бўлар. Буларнинг ҳаммаси ўқитувчи ва талабаларга боғлиқ.

Шу билан бирга ўқув жараёнини олдиндан лойиҳалаштириш зарур. Бу жараёнда ўқитувчи ўқув предметининг ўзига хос томонини, жой ва шароитни, энг асосийси, талабаларнинг имконияти ва эҳтиёжини ва ҳамкорликдаги фаолиятни ташкил эта олишини ҳисобга олиши керак. Шундагина, керакли кафолатланган натижага эришиш мумкин. Қисқача айтганда, талабани таълимнинг марказига олиб чиқиш керак.

Таълим жараёнидаги ўргатувчи ва ўрганувчилар ҳиссасининг нисбати инсоният тараққиётининг турли даврларида турлича бўлган. Бир вақтлар таълим берувчилар етакчи бўлган бўлса, маълум даврларда таълим олувчилар ташаббускор бўлишган ва бундай фаолликларнинг ижобий ва салбий жиҳатлари тадқиқ этилган. Кейинги ўн йилликларда таълим берувчи ва таълим олувчининг ҳамкорликдаги фаолиятига асосланган таълим технологиялари жадаллик билан ривожланмоқда ва оммалашмоқда. Педагоглар бундай таълим технологияларини «ҳамкорлик педагогикаси» деб аташмоқда. Бундай ҳамкорликка асосланган таълим технологиялари АҚШ, Япония, Буюк Британия, Германия каби ривожланган мамлакатларда кенг кўлланилиб, юкори самарадорликка эришилмоқда. Бундай таълим технологияларидан бири интерфаол ўқитиш методларига асосланган. «Интер» сўзи лотинча

бўлиб, ўзбекча «коралик», «ўртаси», «ўзаро» каби маъноларни билдиради. Демак, интерфаол таълим технологиялари таълим берувчи билан таълим олувчи ўртасидаги ўзаро фаолликка асосланган ҳамкорлик экан. Табиийки интерфаол таълим технологиялари таълим тизимидағи ўзаро фаол усуллардан таркиб топади.

Ҳамкорликка асосланган, талабаларнинг фаоллигини оширишга мўлжалланган, талабаларни бошқаларнинг фикрини эшитиш, тушуниш, хурмат қилиш, ўзгалар манфаатлари билан ҳисоблашиш, улардан ўрганиш, уларга ўргатиш, таъсир қила олиш, ўзининг ва бошқаларнинг «мен»лигини сезиш, ҳис қилиш, ўзини бошқариш, фикрини лўнда ва аниқ баён қила олишга ўргатишга қаратилган «интерфаол» ўқитиш усуллари тез суръатлар билан ривожланиб, ижобий самара бермоқда. Интерфаол усуллар гурухдаги кичик гурухлар ўртасида ракобат муҳитини вужудга келтириб, талаба-ўқувчиларни ҳаракатчанликка бошлаб, рухлантиради, натижада ўқувчилар ҳамкорликка ўргана бошлайдилар. Ҳар қандай интерфаол усул тўғри ва мақсадга мувофиқ қўлланилганида ўрганувчиларни мустакил фикрлашга ўргатади.

Интерфаол усулларда муаммоли, хаётий вазиятлардан фойдаланиш жуда яхши натижалар беради. Баҳсли, муаммоли вазият инсоннинг фаолияти давридаги фикрлаш натижасига боғлиқ бўлиб қоладиган мураккаб ҳолатга ёки шароитга тушиб қолишидир. Бундай ҳолатда у ходиса ёки жараённи қандай изоҳлашни билмайди. Баҳсли, муаммоли вазиятлар талабаларнинг ақлий кучини зўриқтиради, вазиятни ойдинлаштириш учун йўллар қидира бoshлайди. Қийинчиликлар билан тўқнашади. Одам муаммо билан юзма-юз келгандагина фикрлай бошлайди. Ўзида мавжуд билимлар билан фикрлаб ҳамлар бажара бошлаб, савиасига мос даражадаги хулоғаларга кела бошлайди.

Талабалар ўзлари бажарган, топширикларни қандай қилиб бажарғанligини айтиб, тушунтириб бера олишлари лозим. Қандай ўйлагани, фикрләгани ҳақида гапириб бера олишлари керак. Муаммони ҳал қилиш жараёнидаги түшүнмай қолган ўринларини ўз сүзләри билан ифодалаб бера олиши, ўргатувчи учун жуда мухимдир.

Талабаларни маълумотлар билан фаол ишлашга ўргатувчи усулларни интерактив методлар дейилади.

ИНТЕРФАОЛ ТЕХНОЛОГИЯЛАРДАН НАМУНАЛАР.

АҚЛИЙ ҲУЖУМ МЕТОДИ

Ақлий ҳужум методидан клиник фанлардан маъруза ва амалий дарсларда фойдаланиш қулай. Бу метод бир зумда аудиториядаги барча талабаларни камраб олиб уларни фаол ҳолатга келтиради.

Яхлит мавзуу, унинг бир қисми ёки танлаб олинган муаммо юзасидан ўкувчи-талабаларга бериладиган саволлар мажмуаси ўқитувчи томонидан олдиндан тайёрланган бўлиши ишда яхши натижа беради.

Ақлий ҳужум методи кўйилган муаммо ечимиға боғлиқ равишда 5-10 дақика давом этиши мумкин. Бунда ўкувчи-талабаларнинг бераётган жавобларига на ўқитувчининг ва на бошқаларнинг аралашувига, ҳар қандай фикр билдиришларига йўл кўйилмайди ва натижалар баҳоланмайди, баллар кўйилмайди. Бу қоида кўпинча ўқитувчи томонидан автоматик тарзда бузилади, яъни талаба билдирган нотўғри фикрга тезда ўз муносабатини билдириб тўғрилайди. Бу вазият талабаларни фикрлашдан тўхтатади, дарсда фойдаланилаётган ақлий ҳужум методига птур етказади. Мақсад: нотўғри бўлсада талабанинг ўз фикрини билдиришига эришишдан иборат. Ўқитувчи

умумлаштиришдан сўнг билдирилган фикрларнинг тўғри ёки нотўғрилиги ҳар бир талабага маълум бўлади.

Талабаларнинг фикр юритишлари ўқитувчи томонидан тўғри йўлга солиб турилади ва рағбатлантирилиб борилади. Вакти-вақти билан фикрлар умумлаштириб турилади.

Муаммонинг ечими бўйича фикрлар шакланниб бўлгач у охирги марта умумлаштирилади ва аниқ фикрга келинади. Шундан кейин талабалар ўзларининг таклифларини ўзлари солиштириб, тўғри ва хато фикрларини англаб етишадилар ва ўзларини ўзлари баҳолайдилар. Аммо ўқитувчининг уларга баҳо ёки танбех беришига йўл қўйилмайди.

“БУМЕРАНГ” ТЕХНОЛОГИЯСИ

Отилган буюмнинг отувчига қайтиб келишини таъминловчи ўроқсимон отиш қуролига бумеранг дейилади. Таълимда бумеранг методининг маъноси педагог томонидан ташланган муаммоли масала ёки мавзунинг талабалар томонидан ўзлаштирилган ҳолда ўқитувчига оғзаки ёки ёзма шаклда қайтишидан иборат.

1. Дарсда ўрганиладиган мавзунинг режасида 4 та мавзучча бўлса, аудиториядаги талабалар ҳам 4 грухга ажратилиди. Режадаги биринчи мавзучча ўқитувчи томонидан тайёрланган жавоблари билан биринчи грух талабаларининг ҳар бирига тақдим этилади. Шу тариқа режадаги бошқа мавзучалар ҳам жавоблари билан биргаликда ўзига мос номердаги грухларнинг талабаларига тарқатилади. Ҳар бир грухдаги талабалар ўзларига жавоблари билан тақдим этилган битта мавзучани ўқитувчи томонидан белгиланган вакт оғалиғида ўрганиб чиқадилар.

2. Шундан кейин 4 та грух талабалари аралаштирилиб, янги таркибдаги 4 та грух ташкил этилади. Бу янги грухларнинг ҳар

бирида дастлабки 4 гурухларнинг барчасидан бир нечтадан талабаларнинг иштирок этишига эришилади. Натижада бутун ўқув материалини яхлит жамоа бўлиб ўрганиш имконияти туғилади. Муҳими, талабаларда ўқув материалини мустақил ўрганиш, ҳамкорликда ишлаш билгандарини бошқаларга тушунтира билиш кўникма ва малакалари шаклланади.

3. Ўқитувчи томонидан белгиланганвақт давомида мавзуни жамоа бўлиб ўрганиш якунлангач, талабалар дастлабки гурухларига қайтишиади ва савол-жавоблар бошланади. Ўқитувчининг ташкилотчилиги асосида саволлар бошқа гурухлар томонидан битта жамоага берилади. Жамоа ичидан ўзлари танлаган бир талаба шерикларининг тўплаган балларини ёзиб, жамлаб, натижаларини ўқитувчига топширади. Барча гурухлар шу тарзда савол-жавобдан ўтказилади. Бунда кўйилган саволга тўғри жавоб берган талабага 3 балл, тўғри кўшимча қилганга 2 балл, тўғри реплика қилганга 1 балл, умуман фикр билдирамаганга 0 балл кўйилади.

4. Ҳар бир гурух мавзу бўйича ўзлари биттадан савол тузиб, унга жавоб беришни бошқа жамоаларга таклиф этади. Тўғри жавоб берган жамоанинг умумий балига 3 балл кўшилиб, бошқаларга 0 балл кўйилади. Ҳеч ким жавоб бера олмаса, саволни тузган жамоанинг ўзи жавоб берса, уларнинг умумий балига 3 балл кўшиб кўйилади.

5. Энди ҳар бир талабанинг баҳолаш учун уларга мавзу бўйича олдиндан тайёрланган тест тарқатилади. Бир гурухнинг иш натижаларини бошқа жамоа талабалари тайёр жавоблар асосида текшириб, ўқитувчи томонидан тақдим этилган шкала бўйича балл кўйилади.

6. Дарс ўқитувчи томонидан талабалар иштирокида мустаҳкамланади ва умумлаштирилади. Гурұхлар ва талабаларга түппланган баллар эълон қилиниб, рағбатлантириш амалга оширилади. Келгуси дарс учун керак бўладиган топшириқ ва вазифалар шакллантирилади.

Гурұх талабаларининг тайёргарлик даражасига, ўкув материалларнинг ҳажми, осон ёки қийинлигига боғлиқ равища дарс вактида етишмовчилик кутилса, тўртингчи босқични ўтказмаслик мумкин.

Мазкур технология бир машғулот давомида ўкув материалини чукур ва яхлит ҳолатда ўрганиш, ижодий тушуниб етиш, эркин згаллашга йўналтирилган. У турли мазмун ва ҳарактерга (муаммоли, мунозарали, турли мазмунли) эга бўлган мавзуларни ўрганишга яроқли бўлиб, ўз ичига оғзаки ва ёзма иш шаклларини қамраб олади ҳамда бир машғулот давомида ҳар бир иштироқчининг турли топширикларни бажариши, навбат билан талаба ёки ўқитувчи ролida бўлиши, керакли баллни тўплашига имконият беради, талабаларни дарс жараёнида, дарсдан ташқарида турли адабиётлар, матнлар билан ишлаш, ўрганилган материални ёдида сақлаб қолиш, сўзлаб бера олиш, фикрини эркин баён эта олиш ҳамда бир дарс давомида барча талабаларни баҳолай олишга қаратилган.

“БУМЕРАНГ” технологиясини ўтказини босқичлари.

1 – Босқич

- Тренер талабаларни 4–5 кишидан иборат кичик гурӯхларга бўлади;

- Тренер ҳар бир гурух ва унинг ҳар бир аъзосига мустақил ўрганиш, фикрлаш ва ёдда саклаб қолиш учун алоҳида—алоҳида, аниқ ёзма тарқатма материал беради. Уларнинг сони гурухлар ва тингловчилар сонига боғлиқ. Агар 4 та кичик гурух бўлса, у ҳолда умумий мавзу 4 та кичик матнларга бўлинниб ҳар бир гурухга берилади;

- фаолият самарали бўлиши учун ҳар бир гурухга берилган текстдан ҳар бир талабага берилади. Шундай қилиб, 4 та гурух умумий мавзу асосида 4 хил матнга, ҳар бир талабаларни эса ўз гурухига тушган матнга эга бўлади.

2 – Босқич

Инди - гурухларга берилган матнни гурух аъзолари якка тартибда алоҳида ўрганишлари, текстни эслаб қолишлари, кейин эса керак бўлса бошқаларга ёки ўқитувчига гапириб беришлари, иложи борича текстни ўзлаштириб олишлари кераклигини ўқитувчи уқтиради ва тайёргарлик учун матнни катта ёки кичиклигига қараб 10-15 дақиқача вақт беради. Ўзи эса гурух ва талабаларнинг иш фаолиятини кузатади.

3- Босқич

- Тренер олдиндан тайёрлаб қўйилган рақамлар ёзилган кичик қоғозлар билан ҳар бир гурух ёнига келиб гурух аъзоларидан ушбу қоғозлардан биттадан ракам тортиб олишларини сўрайди (қоғозлар сони гурухдаги тингловчилар сонига боғлиқ, масалан гурухда 5 киши бўлса, қоғоздаги рақамлар 1,2,3,4,5, этиб тайёрланади, агар 4та бўлса 1дан 4гача ва ҳоказо.). Кичик гурухлардаги барча талабалар рақамлар ёзилган қоғоздан олишлари керак. Нечта гурух бўлса, шунча гурух аъзолари сонига қараб рақамлар ёзилган қоғозлар тайёрланади .

Тренер рақамлар бўйича талабалардан янги гурухлар тузишларини сўрайди. Масалан, ҳаммада 1-рақамини олганлар битта янги гурух, 2-рақамлилар иккинчи, 3-рақамлилар учинчи гурухни, 4- рақамлилар тўртингчи гурухни, 5- рақамлилар бешинчи гурухни ташкил этишларини сўрайди. Гурух аъзолари янги гурухга ўзлари билан ўрганган матнларини ҳам олиб ўтишадилар.

4 – Босқич

- рақамлар бўйича янги гурухлар тузилганда ҳар бир янги гурухда аввалги гурухлардан биттадан вакиллар ўз–ўзидан тўпланиб қолади, яъни 4 хил матн ўрганилган бўлса, бу янги гурухда ҳар биттасидан биттадан вакил тўпланади, умумий мавзу бўйича 4 талаба ва 4 хил матн тўпланади.

5 – Босқич

- янги тузилган гурухнинг ҳар бир аъзоси энди ўзига 2 та вазифа, яъни ўқитувчи ва ўкувчи вазифасини олади ва куйидагича фаолият кўрсатади:

- Тренер сифатида, ўзи аввал ўрганган материални гапириб беради, ўзи мустақил ўрганган материалнинг асосий жойларига барчанинг дикқатини жалб қиласи, бошқа гурух аъзоларининг тушуниш ва ўзлаштириш қобилияtlарини текширади.

- ўкувчи сифатида, гурух аъзоларининг навбатма–навбат сўзлаб, тушунтираётган, гапираётган матнларини эшитади, таҳлил қиласи, фикрлайди ва ёдда саклаб колишга ҳарағат қиласи.

- Тренер эса уларга ўз текстларини фақат сўзлаб беришлари кераклигини уқтиради ва бунга 20 дақиқача вакт беради (матн ҳажмига ва умумий мавзунинг қийин, осонлигига қараб вакт ажратилади).

Бу босқичда тренинг бошланишида тарқатилган барча материал талабалар томонидан ўзлаштирилган ҳисобланади.

6 – Босқич

-гурухдагилар бир–бирларига ўз матнларини гапириб бериб, барчалари ушбу матнларни билиб олишгач, ўқитувчи ўрганилган материал гуруҳ аъзолари томонидан қанчалик ўзлаштириб олганини текшириб кўриш учун ҳар бир гуруҳ аъзоларининг бир–бирларига ўз матнларидан келиб чиқсан ҳолда саволлар беришлари мумкинлигини тушунтиради. Шундай қилиб, гуруҳ ичидаги назорат, яъни савол–жавоб орқали ўтказилади. Бу эса гурухдаги тингловчиларни бир–бирларига сўзлаб берган материалларини бошқалар томонидан ўзлаштирилганлик даражасини аниqlашга ўзининг билимини янада мустаҳкамлашига ёрдам беради.

7 – Босқич

- Тренер ўқитувчи барча талабаларни яна қайтадан аввалги жойларига қайтишларини сўрайди, яъни талаба–ўқувчилар яна машғулот бошланишидаги гурухларига қайтадилар.

8 – Босқич

- Тренер аудиториядаги талабаларнинг барчаси ҳаммага тарқатилган ёзма материаллар билан таниш эканликлари, улар ҳақида тўлиқ маълумотга эга бўлганликларини ҳисобга олган ҳолда, ҳар бир

талаба-ўкувчидан ўрганилган материални сўраши мумкинлигини айтади.

9 – Босқич

- талабаларга тарқатилган ўкув материалининг улар томонидан қай даражада ўзлаштирилганлигини аниклаш мақсадида ўқитувчи талаба-ўкувчиларнинг назорат саволларига берган жавобларини рейтинг баллари орқали баҳолашини тушунтиради, масалан, саволларга берилган жавоблар – агар тўлиқ жавоб бўлса – 3 балл, кўшимча қилинса – 2 балл, ўтирган жойдан луқма ташланса – 1 балл, жавоб берилмаса – 0 балл кўйилиши белгиланади.

Баҳо тизимида – тўлиқ жавоб учун 5 баҳо, кўшимча учун 4 баҳо, луқма ташланса 3 баҳо, жавоб бермаса 2 баҳо, умуман иштирок этмаса 1 баҳо кўйишни белгилаш мумкин.

Гурух аъзоларининг жавобларини юқорида кўрсатилган тартибда баҳолаш, балларни кўйиб бориш, умумлаштириш учун ҳар бир гурух ўзига гурух қатнашчиларидан бирини “ҳисобчи” этиб тайинлаши мумкин (“ҳисобчи” ҳам даврада бўлаётган савол-жавоблар мулокотида иштирок этади).

10 – Босқич

- ўқитувчи тарқатма материаллар ясасида тузилган саволлар (5–6 та) билан талаба-ўкувчиларга мурожаат қиласи (саволлар иложи борича ҳамма матнларга тегишли бўлгани маъкул, шунингдек, ўқитувчи аудиториядаги барча ўкувчи-талабаларни жавоб бериш учун қамраб олишга ҳаракат қиласи).

Белгиланган саволларга жавоб бериш тугагач, ўқитувчи доскага гурухлар томонидан тўпланган балларни ёзди ва машғулотнинг кейинги босқичига ўтади.

11 – Босқич

-ўқитувчи ҳар бир гурухни ўз ёзма материаларининг мазмунидан келиб чиқсан ҳолда биттадан савол тайёрлашлари кераклигини айтади ва гурухларга савол тузишлари учун 5 – 7 дақиқа вакт ажратади.

12 – Босқич

-гурухлар бир-бирларига саволлар берадилар, гурухлардаги “ҳисобчилар” эса гурух аъзоларининг жавобларини юқорида белгиланган тартибда баҳолаб борадилар. Жавоблар тўғри бўлса, савол берган гурух жавобни тўлдирмайди.

13 – Босқич

-ўқитувчи гурух аъзолари тўплаган балларни яна бир марта доскага ёзди ва тўпланган баллар (баҳолар)нинг умумий қийматини аниқлайди. Тўпланган баллар (баҳолар)нинг умумий қиймати барча гурух аъзоларига teng бўлинади (келишганлик асосида).

Изоҳ: агар тўпланган балларни гурух аъзоларига teng бўлишда ўқувчи-талабалар томонидан норозилик бўлса, яъни баъзи гурух аъзолари гурухнинг фаолиятида фаол иштирок этиб, умумий жамоавий фаолиятда пассив бўлган бўлишса, ёки умуман иштирок этмаган, қизиқмаган бўлишса, бундай ҳолатда вазиятни ечишни гурух аъзоларига юклатилади. Гурухнинг ечими тўғри ҳисобланади, ёки ўқитувчи ўз фикри/и билдириши мумкин, чунки у дарс жараёнида

ўқувчи–талабаларнинг жавоблари, фаол ёки пассивликларини кузатиб боради.

Умуман олганда, агар талаба фаоллик кўрсатмаган, ёки савол – жавобларда иштирок этмаган бўлса ҳам унинг шу дарс жараёнида бирон нарсани эслаб қолиб ўзлаштирганини ҳисобга олган ҳолда унга энг кичик балл берилиши мумкин. Бу талабани кейинчалик шу шаклдаги дарсларда фаолроқ бўлишга ундейди. Юқоридаги каби вазият вужудга келса унинг ечимини ҳар бир ўқитувчи шароитга қараб ўзи ҳал этиши ёки гурух, жамоага ташлаши мумкин.

Баъзида гурухнинг “ҳисобчилари” балларни қўйишда ноаниқлик ёки қўшиб ёзишлари мумкин, натижада, баъзи гурухларнинг умумий тўпланган баллари бошқа гурухларнидан жуда кам фарқ қилиши мумкин. Талабаларнинг ҳаққоний баҳоланишлари уларнинг танланган “ҳисобчи”ларига боғлиқ эканлигини ўқитувчи олдиндан эслатиб ўтади. Агар умумий тўпланган балларни гуруҳ аъзоларига тақсимлаганда шу машғулот учун белгиланган максимал баллдан ортиб кетган бўлса, у ҳолда шу машғулот учун керакли баллни олиб қолиб, ортиқчасини кейинги машғулотларга ёки якуний назоратга ўтказиш мумкин.

14- Босқич

-ҳар бир талаба-ўқувчига баллар қўйилгач ўқитувчи машғулотга якун ясади. Талабаларнинг фаолиятига баҳо беради, берилган жавобларга ўз фикрини билдиради ва ҳуйидаги саволлар билан уларга мурожаат қиласи:

-буғунги машғулотдан нималарни билиб олдингиз?

-нималарга ўргандингиз?

-нималар сиз учун янгилик бўлди?

-яна нималарни билишни истар эдингиз?

15- Босқич

Ўқитувчи талабаларнинг жавобларини дикъат билан тинглаб уларга миннатдорчиллик билдиради ва дарсни якунлайди.

“МУЛОҚОТ” ТРЕНИНГИ

Ушбу тренинг талабаларда дарс жараёнида мустақил фикрлашга, ўз фикрини эркин ҳолда баён эта олишга ҳамда уларда баҳсланиш маданиятини тарбиялашга қаратилган бўлиб, одатда бундай машғулот тингловчиларни кичик гуруҳларга бўлган ҳолда ўтказилади.

“Мулоқот” тренингни ўтказиш босқичлари.

Ўқитувчи машғулотни бошлидан аввал талабаларни мулоқот, баҳс-мунозарани ўтказишга қўйилган талаблар, қоидалар билан танишириади

1-Босқич.

-ўқитувчи ишни ўтказиладиган мулоқотнинг мавзусини аниклашдан бошлиди, масалан, «Сиз қайси маданият тарафдорисиз: «Шарқ ёки Европа?». Шу мавзуни ўртага ташлаб талабалардан Шарқ маданияти ва Европа маданияти тарафдорларини аниклаб олади. Уларни шу тартибда гуруҳларга бўлади.

2-Босқич.

-ҳар бир гуруҳдаги талабалар ўз мавзулари бўйича керакли материаллар, далиллар, мисоллар, аниқ фикрлар, ўз фикрини тасдиқловчи кўргазмали материаллар, имкони бўлса видеофильм, мақолалар, мутафаккир ва олимларнинг сўзлари ва бошқаларни

тайёрлайдилар. Гурухдан бир кишини ҳимоя учун танлайдилар, қолганлар эса ўз фикрларини кўшимча қилишлари мумкин. Ўқитувчи гурух талабаларининг тайёргарлик кўриш имкониятларини ҳисобга олган ҳолда вақт беради.

3-Босқич.

-гурухлар ҳимояга тайёр бўлгач ўқитувчи гурухларнинг бирига ҳимоя учун сўз беради (ҳимояга чиқиш ихтиёрий равишда бўлиши мумкин). Гурух вакили гурух номидан сўзга чиқиб уларга берилган мавзуни тайёрланган материаллар, далиллар асосида ҳимоя қилишга киришади. Гурух вакили сўзини тутатгач, гурухнинг қолган аъзолари кўшимча фикрлар билдиришлари мумкин.

4-Босқич.

-машғулотнинг 3-босқичидаги каби бу босқичда ҳам ўқитувчи навбатдаги гурух вакилига ҳимоя учун сўз беради. Иккинчи гурух ҳам биринчи гурух каби ўз мавзуси бўйича ҳимоя қиласи. Ҳимоя тугагач, ўқитувчи машғулотнинг кейинги босқичига ўтади. Ҳар искала ҳимоя вақтида ўқитувчи иложи борича ўз фикр ва мулоҳазасини билдиримасликка, савол бермасликка ҳаракат қиласи, ҳеч қайси гурухга ён босмаган ҳолда мулоқотни бошқаради, гурух ҳимояси вақтида тартиб сақланишига ва мулоқотни ўтказишга кўйилган талаб, коидаларнинг тўлиқ бажарилишига эришишга ҳаракат қиласи. Бу босқичда, асосан, икки гурух эркин, мустақил фаолият кўрсатишлари керак бўлади.

5-Босқич.

-гурухлар бир-бирларига савол беришни бошлайдилар. Гурухлар томонидан бериладиган саволлар улар ҳимояси вақтида айтилган далиллар, мисоллар, фикрларни янада ойдинлаштириш мақсадида,

шунингдек, ўз гурухларининг фикрларини янада таъкидлаб, исботлаб, қолганларни ҳам шу фикрга қўшилишларига даъват қилиш учун берилиши мумкин. Талабалар эркин ҳолда ўзларининг чиқишилари билан барчага таъсир кўрсатишга, ўз фикрларини маъқуллашга ҳаракат қиласидилар. Ўқитувчи бундай ҳолатга шароит, имконият яратади, яъни у баҳс-мунозарани самимийлик билан бошқаради.

6-Босқич.

-ўқитувчи ҳар икки томоннинг бир-бирларига саволлари, айтадиган фикрлари, маъқуллайдиган сўзлари тугагач, ҳар икки гурух томонидан айтилган фикрларни умумлаштиради ва ўзиниг бу масала ҳақидаги фикр ва мулоҳазасини баён этади ва гурух талабалари томонидан тушган саволларга керакли жавобларни беришга ҳаракат қиласиди.

Машғулот охирида ўқитувчи ҳар иккала гурухнинг машғулот жараёнидаги фаолиятларини таҳлил этиб, уларга миннатдорчилик билдиради ва машғулотни якунлади. Ушбу тренингнинг давомийлиги шароитга қараб белгиланади.

“ФСМУ” ТЕХНОЛОГИЯСИ

Ушбу технология мунозарали масалаларни ҳал этишда, баҳс мунозаралар ўтказишида ёки ўқув-семинари якунида ёки ўқув режаси асосида бирон бўлим ўрганиб бўлингач қўлланилиши мумкин, чунки бу технология талабаларни ўз фикрини ҳимоя қилишга, эркин фикрлаш ва ўз фикрини бошқаларга ўтказишига, очик ҳолда баҳслашишга, шу билан бир қаторда ўқувчи-талабаларни ўқув жараёнида эгаллаган билимларини таҳлил этишига, қай даражада эгаллаганликларини баҳолашга ҳамда талабаларни баҳслашиш маданиятига ўргатади.

“ФСМУ” Технологиясини ўтказиш босқичлари.

1 – Босқич

- ўқитувчи талабалар билан бирга баҳс мавзусини ёки муҳокама этилиши керак бўлган муаммони ёки ўрганилган бўлимни белгилаб олади;
- ўқитувчи ўкув машғулотида аввал ҳар бир талаба якка тартибда ишлаши, кейин эса кичик гурӯҳларда иш олиб борилиши ва ниҳоят дарс охирида жамоа бўлиб ишланиши ҳақида талабаларга маълумот беради;
- машғулот давомида ҳар бир талаба ўз фикрини эркин ҳолда тўлиқ баён этиши мумкин эканлиги эслатиб ўтилади.

2 – Босқич

- ҳар бир талабага ФСМУ технологиясининг 4 босқичи ёзилган қоғозлар тарқатилади:

Ф – фикрингизни баён этинг;

С – фикрингизнинг баёнига сабаб қўрсатинг;

М – қўрсатган сабабингизни исботлаб мисол (далил) келтиринг;

У – фикрингизни умумлаштиринг.

Ҳар бир талаба якта тартибда тарқатилган қоғозни ФСМУ нинг 4 – босқичи бўйича ўз фикрларини ёзма баён этган ҳолда тўлдиради.

3 – Босқич

- ҳар бир талаба ўз қоғозларини тўлдириб бўлгаёт, тренер уларни кичик гурӯҳларга бўлининишларини илтимос қиласи ёки ўзи турли

гурухларга ажратиш усуллариңинг биридан фойдаланган ҳолда талабаларни кичик гурухларга бўлиб юборади;

- ўқитувчи ҳар бир кичик гурухга ФСМУ технологиясининг 4 босқичи ёзилган катта форматдаги қофозларни тарқатади;

- ўқитувчи кичик гурухларга ҳар бирлари ёзган қофозлардаги фикр ва далилларни катта форматда умумлаштирган ҳолда 4 босқич бўйича ёзишларини таклиф этади.

4 – Босқич

- кичик гурухларда аввал ҳар бир талаба ўзи ёзган ҳар бир босқичдаги фикрлари билан гурух аъзоларини таништириб ўтади. Гурух аъзоларининг барча фикрлари ўрганилгач, кичик гурух аъзолари уларни умумлаширишга киришади;

- гурух аъзолари ФСМУнинг 4 босқичини ҳар бири бўйича умумлаштириб, уни ҳимоя қилишга тайёргарлик кўрадилар;

- фикрларни умумлаштириш вактида ҳар бир талаба ўз фикрларини ҳимоя этиши, исботлаши мумкин.

5 – Босқич

- кичик гурухлар умумлаштирилган фикрларини ҳимоя қиласидар: гурух вакили ҳар бир босқични алоҳида ўқийди (иложи борича изоҳ бермаган ҳолда). Баъзи бўлимларни исботлаши, яъни гурухнинг айнан нима учун шу фикрга келганини айтиб ўтиши мумкин.

6 – Босқич

- ўқитувчи машғулотга якун ясади, билдирилган фикрларга ўз муносабатини билдиради;

- күйидаги саволлар билан талабаларга мурожаат қилади;
- ушбу тренинг ёрдамида нималарни билиб олдингиз ва нималарга ўргандингиз?
- ушбу технологиянинг ўқув жараёнига қўлланилиши қандай самара берди?
- ушбу технологиянинг қўлланилиши талаба-ўқувчиларда қандай хислатларни тарбиялайди, нималарни шакллантиради, уларнинг қандай фазилатларини ривожлантиради?
- ушбу технологияни ўқув жараёнининг қайси боскичида қўллаш маъқул ва нима учун?
- ушбу технологиянинг дарс жараёнида қўлланилиши ўкувчи талабаларга нима беради ва нимага ўргатади?
- ушбу технологияни яна қандай тартибда ёки қандай шаклда ўтказиш мумкин?
- ушбу тренингда ўқитувчининг асосий вазифаси нимадан иборат.

ИЗОҲ: юкорида келтирилган саволлар ҳар бир тренингнинг мазмуни, мақсадидан келиб чиқиб тренер (ўқитувчи) томонидан талабаларга берилиши мумкин.

Тарқатма материалнинг тахминий нусхаси:

(Ф) – Фикрингизни баён этинг;

(С) – Фикрингиз баёнига бирон сабаб кўрсатинг;

(М) – Кўрсатилган сабабни тушунтирувчи (исботловчи) мисол келтиринг;

(У) – Фикрингизни умумлаштиринг.

ТАЛАБАЛАРНИНГ МУСТАҚИЛ ТАЙЁРГАРЛИГИДАН КЕЙИНГИ МАЪРУЗА МЕТОДИ

Талабалар фан бўйича асосий адабиётлар, маъруза матнлари, амалий машғулотлар ишланмалари ва бошқа керакли материаллар билан тўлиқ таъминланади.

Энди 5-6 соатлик ҳажмдаги маъруза материалларини қисқартирмасдан, тегишли исботлар ва етарли сондаги масалаларни ечиш билан 1-2 соатда талабаларга етказиш услугини қуидаги мавзулар мисолида келтирамиз.

Бу маърузалар мавзулари ўқув йили бошида талабаларга мустақил ўрганиш учун берилди: Таълимга оид асосий меъёрий ҳужжатлар. Дарс ишланмалари. Тиббиёт коллажларида дарс машғулотларини ташкил этиш.

Ишни амалга ошириш босқичлари:

1. Тайёргарлик босқичи.

1. Амалий дарслар қаттиқ талабчанлик асосида интерфаол усулда олиб борилиб, талабалар берилган топширикларни тизимли равишда бажаришга, китоб ва унинг матни устида ишлашга ўргатилади.

2. Талабалар тавсия этилган манбалардан фойдаланиб, мавзуларни конспект қилишади.

3. Ҳар бир талаба адабиётлар, айниқса маърузалар матнларидаги таянч иборалар ва назорат саволларидан фойдаланиб 5 тадан саволлар тузишади.

4. Ҳар бир талаба мустақил равищда ёки тегишли адабиётлардан фойдаланиб мавзуга доир ўзининг битта масаласини тузади.

2. Тартибга солиш босқичи

1. Сардор кичик гурухнинг талабалари билан биргаликда ўзлари тузган саволларни кўриб чиқиб тақрорланувчи саволлар ўрнига бошқа янгисини тузишиди.

2. Барча сардорлар биргаликда тайёрланган саволлар рўйхатларини бир-бирлари билан таққослашиб тақрорланувчи саволлар ўрнига янгиларини киритишидилар.

3. Талабалар томонидан тузилган масалалар ҳам худди шундай кўриб чиқилиб, тартибга солинади.

4. Тузилган саволлар ва масалалар ўқитувчи томонидан кўриб чиқилиб, тузатишлиар киритилади ва тўлдирилади.

5. Тузилган саволлар ва масалаларнинг якуний тугал рўйхати тузилади.

3. Фаол босқич

1. Талабалар тузилган саволларга тўхтамасдан баралла товуш чиқариб жавоб бериш машқини бошлашади.

2. Тузилган масалаларни ечиш алгоритмини тузиш ва уни ечиш машқини бошлашади.

3. Амалий машғулотларда уйга берилган вазифалардан ташқари юкорида зикр этилган мавзулар бирин-кетин сўраб борилади ва умумий натижа эътиборга олинган ҳолда талабаларга балл кўйилади. Тушунилмаган саволларга жавоб берилади.

4. Якуний босқич

1. Аудиторияга кирган ўқитувчи аввало талабаларнинг рисоладагиек түғри туришларига эришиши, саломлашгач бир лаҳза тик ҳолда сақлаб уларга қаттиқ тикилиб ўзининг руҳий таъсирини ўтказиши, шундан кейингини ўтиришларига рухсат бериши шарт.

2. Ўқитувчи аудиториянинг дарсга тайёрлигини назоратда ўтказаётган, талабаларни йўқлама қилаётган, журналларни тўлдираётган пайтда ҳуснихати чиройли бир талаба досканинг ўнг бурчагига, сана, мавзу ва унинг режасини ёзади. Мавзу ва режани техник восита ёрдамида экранга чиқарилса янада яхши бўлади.

3. Ўқитувчи ўтилган ва бугун бўладиган дарсларни такрорлаш, уларни янгиси билан боғлаш, янги мавзуни баён қилиш ва хulosалаш ишларини талабаларга тўхтовсиз саволлар ёғдириш (ақлий хужум) ва улардан жавоблар олиш орқали бошқаради. Бунда барча талабаларнинг саволларга хор овозда жавоб беришларига эришиш жуда аҳамиятли. Бирон талаба нотўғри жавоб қилса умумий оҳанг бузилиб бирданига бутун аудиторияга сезилади. Бу ҳолат талабани келгусида ўз устида янада яхшироқ ишлашга ундейди.

4. Дарсда кўргазмали ва намойиш материалларидан кенг фойдаланилади.

Биз бундай маърузани «Талабаларнинг мустақил тайёргарликларидан кейинги маъруза» деб атадик.

Маъруза ушбу услубда олиб борилса катта ҳажмдаги ўкув материалини қисқартирмасдан, тегишли исботлар ва етарли сондаги мисоллар ечиш билан қисқа вақт ичида талабаларга етказиш имконияти туғилади.

Ўкув материалы талабалар томонидан юқори даражада онгли ўзлаштирилади.

Талабаларда китоб ва унинг матни устида ишлаш, саволлар тузиш ва уларга жавоблар топиш, кўнималарининг ҳосил бўлиши кучаяди, мантикий, алгоритмик фикрлаш ҳамда оғзаки нутқ ўсади. Ҳамкорлик педагогикаси фоялари амалга ошади.

“АЖУРЛИ APPA” МЕТОДИ

Ажур французча «ажур» сўзидан олинган бўлиб, «бир ёқдан иккинчи ёқка ўтган, икки томони очик» деган маънони англатади.

Бу методдан фойдаланиш қуидаги босқичларда амалга оширилади:

-талабалардан 4-5 кишилик кичик групкалар ташкил этилади

-талабаларга бериладиган топшириқ ва уларни бажаришда фойдаланиладиган матнли материаллар бир нечта асосий қисмлар (масалан, режа асосида бир нечта мавзучалар)га қирқилади;

-мавзучалар ва уларга доир матнли материаллар пакети кичик групкаларнинг ҳар бир аъзосига тарқатилади;

-кичик групкаларни бажаришга киришадилар;

-кичик групкаларнинг яхши ўзлаштирувчи аъзодаридан эксперт групкаларни ташкил этилади;

-эксперт групкаларни аъзодаридан кўлларида топшириқларни ҳамкорликда муҳокама қилишиб, бошқаларга ўргатиш режасини згаллашадилар;

-экспертлар ўзларининг дастлабки кичик гурухларига қайтишиб ўрганганларини бошқа шерикларига ўргатишади.

Ўқитишига бундай ёндашилганда талаба-ўкувчиларнинг ҳамкорликда ишлашларига ва катта ҳажмдаги ўқув материалларининг ўзлаштирилишига эришилади.

Бу методдан фойдаланувчи педагог талабаларга тақдим этилган топшириқни бажаришга доир материалларни кунт билан ўрганишни, биргаликда муҳокама этишни, савол-жавоб қилишни, ўрганганларини бошқаларга ўргатишлари зарурлигини олдиндан айтади.

СИНЕКТИКА МЕТОДИ

Бу метод амалий, семинарлар ва лаборатория машғулотлари учун қулай бўлиб, «ақлий ҳужум» методига яқин. Бунда талаба дарсда қўйилган муаммони ҳал қилиш юзасидан аналогияга асосланган ҳолда ўз фикрларини, қарашларини олға суради. Бунда аналогия бевосита, шахсий, рамзий ва хаёлий бўлиши мумкин.

ДУМАЛОҚ СТОЛ МЕТОДИ

Бу метод амалий машғулот учун қулай. Бунда ўқитувчи томонидан битта савол ёзилган варақ кичик гурухга тақдим этилади. Талабалар ўзларининг исми-шарифлари ва саволга жавобларини ёзиб, варақни ёнидаги талабага узатади. Шу тариқа ёзилган жавоблар йигиштириб олиниб, талабалар иштирокида нотўғрилари ўчириб чиқилади ва натижалар баҳоланади.

РУЧКА СТОЛ УСТИДА МЕТОДИ

Бу метод амалий машғулот учун қулай. Саволга ўзининг жавоб вариантини ёзган кичик гуруҳдаги талаба ручкасини стол устига қўйиб варақни ёнидаги шеригига узатади. Саволга жавоб ёза олмаган талаба

ручкасини столга кўймайди. Бир нечта кичик гурухлардаги талабаларнинг кўйилган бир хил саволга жавоблари йигиштириб олиниб биргаликда муҳокама қилинади. Бу методнинг афзаликлари: ўқитувчи машғулотга ким тайёр, ким тайёр эмаслигини кўриб туради; машғулотга тайёрланмаган талаба оғзаки муҳокама пайтида кўриб чиқилаётган мавзу юзасидан анчагина фойдали билимлар олади; бу метод кичик гуруҳда олиб бориладиган иш бўлиб, талаба интизомини мустаҳкамлайди ва уларни жипслаштиради, чунки ўзининг жавоб варианти устида узок ўйлаб ўтирадиган талаба бутун гуруҳга ажратилган вақтни сарфлаб юборади. Шунингдек талаба машғулотга тайёр бўлмаса, бунда ҳам гуруҳга панд беради; талабалар ўз жавобларини икки марта, яъни ёзма иш пайтида ва оғзаки муҳокама вақтида таҳлил қилиб чиқишиди.

РОТАЦИЯ МЕТОДИ

Бу метод машғулот мавзунини ҳар бир кичик гуруҳ алоҳида-алоҳида муҳокама қилиб чиқиши, ёзганларини бутун гуруҳ жамоа бўлиб таҳлил қилиб кўриши учун қўлланилади ва қўйидаги босқичларда амалга оширилади:

-дарс мавзуси бўйича номерланган топшириқлар (масалан, режадаги мавзучалар) плакатларга ёзилиб доскага осиб кўйилади;

-топшириқлар сони учта бўлса, талаба-ўқувчилар ҳам шунча кичик гурухларга ажратилади ва гурухчалар номерланади;

-кичик гурухлар ўзларининг номерларига мос номердаги топшириқни ва уни бажаришда фойдаланиладиган ёзма маълумотлар пакетини олади;

-кичик гурухлар ўзларига тақдим этилган материалларни ҳамкорликда ўрганишиб топшириққа жавобларини ёзишади;

-жавоблар кичик гурухдаги хуснихати чиройли бир талаба-ўкувчи томонидан ёзилади;

-топшириқларга ёзилган жавоблар вараги, мәдениеттегі пакеттер кичик гурухлараро алмаштирилади ва қўшимчалар қилинади, бироқ жавобларнинг такрорланишига йўл қўйилмайди;

-жавоблар қайси кичик гурухники эканлиги ажралиб туриши учун уларга ҳар хил рангдаги фламастерлардан фойдаланиш тавсия этилади. Шунингдек кичик гурухлар номерланиб, улар ўзларининг жавобларини шу номер остида ёзишлари ҳам мумкин;

-жавоблар ёзилган вараклар доскадаги осиғлиқ плакатларга скочда ёпиштирилиб, ўқитувчи иштирокида муҳокама қилинади, умумлаштирилади ва тўғри жавоблар дафтарларга ёзиб олинади;

-тўғри ва мукаммал жавоблар сонига қараб талаба-ўкувчилар рағбатлантирилади ва баҳоланади.

ГАЛЕРЕЯНИ АЙЛАНИШ МЕТОДИ

Кичик гурухларнинг барча аъзоларига битта муаммо тақлиф этилади. Ҳар бир кичик гурух ўзларига берилган муаммога белгиланган вақт ичida фикрларини ёзиб, жавоблари ёзилган варакларини бошқа гурух билан алмаштиради. Жавобларни олган гурух уларни баҳолайди ва тугал бўлмаса ўз вариантлари билан тўлдиради. Сўнгра гурухлар фикрлари умумлаштирилиб, энг юқори баллга арзийдиган тўғри ва мукаммал жавоблар танлаб олинади.

ҚОР БҮРОН МЕТОДИ

Иккига ажратилған гурух талабалари бир муаммо юзасидан әнг күп түгри жавоблар топиши мақсадида биргалиқда мұхокама юритишиади. Ҳар бир түгри жавоб юмалоқланған қор күринишида ўша гурух хисобига ёзиб қўйилади; түпланған умумий баллар миқдори асосида гурухлар баҳоланади.

АСАЛАРИ ГАЛАСИ МЕТОДИ

Муаммо битта гурухда ёки икки кичик гурухларда мұхокама қилинади. Бунда топшириклар ҳар хил ёки бутун гурухга битта бўлиши мумкин. Гурухлар қўйилған муаммони маълум муддат мұхокама этиб, натижани бошқаларга маълум қилишиади. Муаммо ечимининг энг яхши варианти танлаб олинади.

ДУМАЛОВЧИ ҚОР УЮМИ МЕТОДИ

Думаловчи қор уюми методи ўқув машғулоти ўтказиш методининг рамзий номи бўлиб, иш қўйилған муаммо устида муроҳаза юритиб кўриш учун талабаларга вақт, тегишли манбалар, тарқатма материаллар беришдан бошланади. Бу метод гурухнинг ҳар бир аъзосига бутун гурухнинг билимлари ва тажрибаларидан фойдаланиб, ўзининг кенг қамровли нұктаи назарини баён этишини назарда тутади. Бунинг учун талабалар 4 та кичик гурухларга ажратилади. Мұхокама қилиб чиқиш учун барча гурухларга битта топшириқ берилади. Ҳар бир кичик гурух топшириқ устида алоҳида ишлайди. Сўнгра биринчи билан иккинчи ва учинчи билан тўртинчи гурухлар муаммо устида биргалиқда мұхокама юритишиади. Охир оқибатда барча кичик гурухлар бирлашиб, бутун яхлит гурух бўлиб қўйилған муаммо ечимини ҳал этишнинг турли йўлларини, варианtlарини мұхокама қилишиади. Бундай мұхокама

жараёнида талабаларнинг қўйилган муаммо юзасидан билимлари чукурлашиб, ойдинлашиб, бойиб, кенгқамровли бўлиб боради.

СИНДИКАТ МЕТОДИ

Гурух учта кичик гуруҳларга бўлинади. Бунда таклиф этилаётган топшириқ уч хил нуқтаи назардан ҳал этилиш зарур. Масалан, уч ноъмалумли учта тенгламалар системасини ечиш топшириғи берилган бўлсин, у ҳолда биринчи гурух масалани Гаусс, иккинчи гурух Крамер, учинчи гурух матрица усулидан фойдаланиб ечади. Сўнгра ечимлар биргаликда муҳокама этилиб, умумлаштирилади.

АКВАРИУМ МЕТОДИ

Гуруҳдан уч талаба ажратиб олиниб уларга хона ўртасидаги стол атрофиға ўтиришлари ва қўйилган муаммони ўн минут атрофида биргаликда муҳокама, қилишиб фикр билдиришлари сўралади. Бу уч талаба аквариумдаги балиқларга қиёс. Атрофда ўтирган кузатувчилар ўртадаги талабаларнинг фикрларини дикқат билан тинглаб, жавобларни тўғри ва нотўғрига ажратиб ёзиб боришади ҳамда муҳокама пайтида ўзларининг қарашларини баён этишади. Етарли даражада фикр билдира олмаган ўртадаги талабалар ўз ўринларини кучли фикр билдириган кузатувчи талабаларга бўшатиб беришади. Ҳар бир муаммо юзасидан билдирилган фикрлар талабалар иштирокида ўқитувчи томонидан умумлаштирилади.

РАҚАМЛИ МЕТОДЛАР

Гуруҳдаги талабаларнинг умумий сонидан келиб чиқсан ҳолда $4 \times 4 \times 4$, $5 \times 5 \times 5$ ёки $6 \times 6 \times 6$ методларининг биридан фойдаланилади. Масалан, $5 \times 5 \times 5$ методида ҳар бири 5 талабадан иборат 5 та кичик гуруҳчалар ташқил этилиб, уларнинг 5 нафар сардорлари тўпланишиб

кўйилган муаммони ҳамкорликда муҳокама этишади, сўнгра ўзларининг гурухларига қайтишиб шерикларига масаланинг ечимини ўргатишади.

СКАРАБЕЙ ТЕХНОЛОГИЯСИ

“Скарабей” интерактив технология бўлиб, у ўқувчиларда фикрий боғлиқлик, мантиқ, хотиранинг ривожланишига имконият яратади, қандайдир муаммони ҳал қилишда ўз фикрини очик ва эркин ифодалаш маҳоратини шакллантиради. Мазкур технология талаба-ўқувчиларга мустақил равишда билимнинг сифати ва савијасини холис баҳолаш, ўрганилаётган мавзу ҳақида тушунча ва тасаввурларни аниқлаш имконини беради. У, айни пайтда турли ғояларни ифодалаш ҳамда улар орасидаги боғлиқларни аниқлашга имкон яратади.

ВЕЕР ТЕХНОЛОГИЯСИ

Бу технология мураккаб, кўп тармоқли, мумкин қадар муаммоли ҳарактердаги мавзуларни ўрганишга қаратилган.

Технологиянинг моҳияти шундан иборатки, бунда мавзунинг турли тармоклари бўйича бирийла ахборот берилади. Айни пайтда, уларнинг ҳар бири алоҳида нукталардан муҳокама этилади. Масалан, ижобий ва салбий томонлари, афзаллик, фазилат ва камчиликлари, фойда ва заарлари белгиланади.

ДЕЛЬФИ ТЕХНОЛОГИЯСИ

Бу технологиянинг мазмуни жамоа бўлиб кўйилган муаммонинг муқобил ечимларини мақбуллик даражалари бўйича табақалаштириб, улардан ҳар бирининг муҳим ёки номуҳимлигини баҳолашдан, шу асосда энг яхши вариантни танлаб олишдан иборат. Масалан, ҳаммага тушунарли бўлиши учун қуйидаги мисолни келтирамиз: Ер майдонини плугда 15, 20, 25, 30, 35, 40, 45 см чуқурликда ағдариш мумкин бўлсин.

Муайян олинган ер майдонини ағдаришда шу вариантлардан қайси бири энг яхши эканлигини аниклаш учун улардан ҳар бири ерни ҳайдашга доир мавжуд агротехник факторлар асосида ўқитувчи раҳбарлиги остида талабалар томонидан баҳоланади. Бунда ҳар бир кичик гурӯҳ ўзларининг вариантиларини таклиф этишлари, сўнгра фикрлар умумлаштирилиб энг яхши вариант танлаб олиниши ҳам мумкин.

Т-ЖАДВАЛ ТЕХНОЛОГИЯСИ

Бу технологиядан маъруза дарслари ва амалий машғулотларнинг якуний қисмида фойдаланиш қулай. Бунда бир муаммони турли қарама-қарши нуқтаи-назарлардан қаралади (ижобий ва салбий, афзаллик ва камчилик, фойда ва зарар, тўғри ва нотўғри). Масалан, ўқитувчи мавзу бўйича аралаштириб тузилган тўғри ва нотўғри жавобларни экранга чиқариб, бир партада ўтирган талабаларга ҳамкорликда уларни жадвалга ажратиб ёзишларини, сўнгра ёзилган варакларини ёндош партадаги талабалар билан алмаштириб қўшимчалар килишларини таклиф этади. Иш якунлангач тўғри ва нотўғри жавоблар ажратиб ёзилган жадвал экранга чиқарилади. Талабалар ўзларининг жавобларини экрандаги жадвал билан таққослаб тегишли хулосаларга келишади. Масалан: Чакалоқлардаги грип аломатларини аникланг

1. Ич кетиши

2. Йўтал

3. Иситма

4. Терлаш

5. Ҳолсизлик.

6. Чарчок.

7. Йиглаш

8. Сийиб қуиши

9. Кўп кулиш

Тўғри жавоблар	Нотўғри жавоблар
1.	1.
2.	2.

SWOT- ТАҲЛИЛ ЖАДВАЛИ ТЕХНОЛОГИЯСИ

SWOT термини инглизча кучли, кучсиз, имконият, ҳавф сўзларининг бош ҳарфларидан тузилган. Бу технологиядан ташкилот ёки бирор корхонанинг келгусидаги стратегик ривожланиш механизмларини таҳлил этишда фойдаланиш қулай.

S- корхонанинг ички ривожланиш имкониятлари;

W- корхонанинг ички муаммолари;

O- корхонанинг ташқи ривожланиш имкониятлари;

T- корхона учун ташқи ҳавфлар.


Дарсда шакллантирилган муаммо юзасидан тўпланган маълумотлар пакети ўқитувчининг тренерлигига талабалар томонидан ўрганилиб бўлингач гурухлар ёки кичик гурухлар ҳамкорликда қўйидаги жадвални тўлдириб, охир оқибатда тегишли оптимал ечимга келишадилар:

S: 1. 2. 3.	W: 1. 2. 3.
O: 1. 2. 3.	T: 1. 2. 3.

«НИМА УЧУН?» СХЕМАСИ ТЕХНОЛОГИЯСИ

Бу технологиядан шакллантирилган муаммо юзасидан «Нима учун?» саволи қўйилиб унга ҳар бир талаба ўзининг қараашларини, фикрларини ёзади. Асосий мақсад нотўғри бўлсада талабаларнинг фикр билдиришларига, охир оқибатда тўғри хулосалар чиқаришларига эришишдан иборат. «Нима учун?» саволининг қўйилиши ва унга жавобларнинг ёзилиши муаммо ечими топилгунча давом этади. Дастрраб бир партада ёнма-ён ўтирган талабалар, сўнгра кичик груп, охирида бутун груп ёзма жавоблари ҳамкорликда таққосланиб, тақрорланувчи ва хато фикрлардан тозаланиб, бир умумий тўғри натижага келинади.

«НИМА УЧУН?» СХЕМАСИ



ИНСЕРТ ТЕХНОЛОГИЯСИ

Бу технология ҳар бир талабанинг мавзуни тезкор ўқиб олдиндан олинган билимлари асосида матнга белгилар қўйиб чиқиб муносабат билдириш имконини беради. Маъруза матнидаги ҳар бир муҳим тушунчалар, фикрлар тўғрисига тегишли белгилар қўйиб чиқилиб, улардан кўйидаги жадвал тузилади:

Мавзунинг асосий тушунчалари ва таянч иборалари мазмуни	Била- ман	Мен учун янги маълумот	Мен билган маълумотни инкор қилди	Мени ўйлантириб кўйди (тушунма- дим)
1.				
2.				
3.				

БИЛАМАН. БИЛИШНИ ХОҲЛАЙМАН. БИЛИБ ОЛДИМ

МЕТОДИ

Бу метод маъруза дарслари учун қулай. Ўқитувчи мавзу бўйича асосий тушунчалар ва иборалар рўйхатини қофозда ёки проекцион восита ёрдамида талабаларга тақдим этади. Талабалар ўзлари биладиган

ва билмайдиган тушунчалар ва иборалар билан намунадаги жадвални түлдирадилар:

Биламан	Билишни хоҳлайман	Билиб олдим

Рўйхатга кирмаган, бироқ дарс жараёнида янгидан пайдо бўлган талаба учун нотаниш тушунча ва иборалар ҳам жадвалнинг иккинчи устунига қўшимча равишда қайд этилиб борилади.

Талабанинг асосий дикқат эътибори жадвалнинг иккинчи устунидаги билимларни эгаллашга қаратиласди. Талаба дарсни дикқат билан тинглаб жадвалнинг иккинчи устунидаги тушунча ва ибораларни билиб ва ёзиб олади, ҳамда ўзлаштирган савол тўғрисидаги учинчи устунга «қ» белги қўяди, бошқалари бўш туради. Агар дарс жараёнида иккинчи устундаги айрим тушунча ва иборалар ўрганилмастан қолиб кетса, улар ўқитувчидан сўраб ёки мустақил равишда ўрганиб олинади.

Бу усул талабада билимларни ўзлаштириш бўйича ўз-ўзини назорат қилиш, дарсдаёқ тегишли маълумотларни эгаллаб олишга интилиш, ахборот ресурслари устида мустақил ишлаш кўникмаларини шакллантиради.

ЗИГ-ЗАГ МЕТОДИ

Зигзак синиқ чизик, илонизи, эгри-буғри маъноларини англатади.

Таълимда зигзак методининг моҳияти бир гуруҳ томонидан ўрганиб бўлинган ўкув материалининг, ҳали уни ўрганмаган бошқа гурухга тақдим этилишидан иборат.

«Зиг-зак» усулининг бир қанча афзалликлари мавжуд. Хусусан, ушбу усулни кўллаш орқали талабалар жамоа бўлиб ишлаш

кўникмасини ҳосил қиласи ва мавзуни ўзлаштиришга кетадиган вақт тежалиб, қисқа вақтда катта материалнинг ўзлаштиришига эришилади. Ушбу усулнинг кетма-кетлиги қўйидагича амалга оширилади:

-талабалар одатдагидек, бир қанча гурухларга бўлинади;

- ҳар бир гурухга мавзу бўйича битта савол тарқатилади (саволлар гуруҳдаги ҳар бир иштирокчига биттадан берилиши лозим);

-гуруҳ аъзолари шу тарқатилган саволни белгиланган вақтда ўрганиб оладилар;

-ҳар бир гурухга етакчи сайланади ва улар тарқатилган матнни ўрганишда, уларнинг моҳиятини теран тушунишда шу гуруҳда етакчилик қиласи;

-лидернинг фикри гуруҳ аъзолари томонидан тўлдирилиши, қўшимчалар ва ўзgartиришлар киритилиши мумкин;

-матнлар гуруҳда тўлиқ ўрганилиб бўлганидан кейин улар гурухлараро алмаштириладилар;

-энди ушбу гурухларда янги саволлар ўрганилади;

-бу саволлар ҳам ўрганилиб бўлингач, улар яна алмаштирилади;

-гурухларда барча саволлар ўрганилганча ушбу жараёнлар тақрорланади;

-бир-бирининг билимини баҳолаш ва ўзлаштирилганлик даражасини аниқлаш учун гурухлар бир-бирига кетма-кет равишда савол бериб борилади;

-савол қайси гурухга ташланган бўлса, биринчи шу гурух аъзолари жавоб беришлари мумкин, бошқа гуруҳ аъзолари қўшимча қилиб боришга ҳакли.

Мазкур усулни ўрганиш учун талабалар 3 гурухга ёки 6 гурухга бўлинадилар. Чунки мавзу 3 та саволга бўлинган.

ДАВРА СУҲБАТЛАРИ МЕТОДИ

Давра сұхбатида маъruzачи ўқитувчи бош ташкилотчи бўлиб қолади. Давра сұхбатлари кўпинча талабаларга таниш ёки яқин мавзуларда ўтказилади. Давра сұхбати мавзулари, режалари, саволлари талабаларга аввалдан бир неча кун олдин тарқатилади.

Талабалар учун мустақил тайёргарлик кўришга, уларни бир-бирлари билан аввалдан ўзаро фикр алмашишга, кутубхона, интернетдан айрим маълумотларни тўплаш, қайта ишлаш, кичик матн тузиш имконияти яратилади. Давра сұхбатининг афзаллиги шундаки, ҳар бир талаба индивидуал тайёргарлик кўради. Ҳар икки томон даврани ўтказишга тайёргарлик билан келади. Сұхбатни ўқитувчи ёки талаба олиб бориши мумкин.

Давра сұхбатлари олдиндан дастурланган дарс жадвали асосида олиб борилиши мумкин.

Давра сұхбатининг яна бир афзаллиги шундаки, ҳар бир талаба ўз билимини, оғзаки нутқини, шахсий фикрини эмин-эркин намойиш этишига муҳит яратилади. Талаба ва ўқитувчининг шахсий маъсулияти ошади, ҳам ўкиш, ҳам ўргатиш ёнма-ён давом этади. Материални ўкиш, ўрганиш, ўзаро фикр алмашишга, ўзлаштиришга мотив ошади. Билимни мустақил, мукаммал эгаллаш ва уни ўзлаштирилиши кафолатланади.

ДАВРАЛАР МЕТОДИ

Талабалар давра қуриб ўтириб таклиф этилган саволни кетма-кет змас, балки билганилар галма-гал изохълаб беришади. Бунда ҳар бир талаба ўз фикрини баён қилиб, муҳокамага фойдали улуш қўшиш имкониятига эга бўлади, чунки барча қатнашчиларнинг фикрларини билиш муҳим. Сўзга чиқувчиларнинг гапларига муносабат билдириш хеч кимга, жумладан ўқитувчига ҳам рухсат этилмайди. Охирида ҳаммага уларнинг иштирок этганликлари учун ташаккур билдирилади ва фикрлар умумлаштирилади. Давра методидан дарснинг боши ва охирида фойдаланиш кулай.

МОЖАРО МЕТОДИ

Бу метод амалий машғулотлар учун кулай. Одатдан ташқари, ҳаттоди фавкулодда вазиятларда қилинадиган ҳатти-харакатларни талабаларга ўргатиш мақсадида бу методдан фойдаланилади. Масалан, туғаётган сигирнинг бузоги тескари келди, юрак тўхташ арафасида нима чора кўриш керак ва ҳоказо. Бундай муаммоларни ҳал қилиш йўлларини ўрганишда можаро методидан фойдаланилса, талабаларнинг фикрлари фаоллашиб қисқа вақт ичida тўғри қарор қабул қилиш, ишни тўла, тез ва чаққон бажариш сифатлари шаклланади.

МУНОЗАРА МЕТОДИ

Диспут- бу икки ёки кўпроқ кишиларнинг кескин чегараланган қоидалар доирасида оғзаки олиб бориладиган баҳси, мунозараси, масала талашувидир. Диспут мавзуси тайёргарлик кўриш учун ўтказишдан олдин талабаларга маълум қилинади.

Талабаларга билим беришга мўлжалланган диспутда камида битта раис ва икки гурӯҳнинг ҳар биридан бир нафардан сўзловчи қатнашади.

Диспутни очувчи биринчи талаба кўйилган таклифни маъқуллаб чиқса, иккинчиси унга қарши чиқади, яъни оппонент бўлади.

Сўзловчиларга 10 минутдан, ҳар икки гурухдан иккитадан ортиқ бўлмаган қўшимча қилишга чиқадиган талабаларнинг ҳар бирiga 5 минутдан вақт берилади. Икки марта сўзга чиқишига рухсат этилмайди. Сўзга чиқувчиларнинг барчаси раисга мурожаат этишади ва унинг қарори қатъий бўлиб, диспутнинг мавзудан четга чиқиб кетмаслигини назорат қиласди.

МУНОЗАРАЛАР ЎТКАЗИШ ТЕХНОЛОГИЯСИ

Мунозараларни ташкил этиш ва ўтказиш ташкилотчидан жуда жиддий тайёргарликни, ижодий муҳит яратишни талаб этади. Ўқитувчи илгаридан мунозаранинг мавзусини, уни ўтказиш режасини, вақтларини талабалар билан ўзаро келишиб олади.

Талабаларга ўкув йили бошланишида мунозара мавзулари режаси зълон қилиниб, уларга етказилади. Уларнинг тайёргарлик кўришлари учун вақт берилади. Мунозара муҳокамасига маъмурият, маҳалла фаоллари, машхур мутахассислар тақлиф этилади. Мунозаранинг бошловчиси тайинланади. Бошловчи жуда кенг қамровли билимга эга бўлиши керак.

Мунозара даврида вужудга келадиган муаммоли масалалар, айниқса, чигал фикрлар бўйича уларни чукур таҳлил қилиш қобилиятига эга экспертлар тақлиф этилади. Мунозарани олиб борганда унинг иштирокчиларини қизиқтириб, қовуштириб, бошқариб, зарур йўлланмалар бериб бориш мухим аҳамият касб этади. Айнан мунозара жараёнида тўғри хulosалар чиқариш жуда катта масъулият талаб этади.

Мунозаралар мавзуга қизиқиши билдириган гурухларни қүшиб, аксинча эса, уларни гурухларга бўлиб, зарур бўлган айрим холларда катта залларда, катта аудиторияларда олиб борилади. Мунозаралар демократик, ошкоралик, тенглик, самимиийлик, ҳамкорлик ҳам ижодкорлик, бир-бирини қўллаш руҳиятида олиб борилишини таъминлаш яхши натижалар беради. Мунозара эркин фикр юритишни, ўз шахсий позициясида туришга ўргатади. Энг муҳими, талабаларни мустақил мутолаага, фикр алмашув орқали узлуксиз ўз билим ва малакасини оширишга олиб келади.

МУНОЗАРА МАЪРУЗА МЕТОДИ (МММ)

Ўқитувчи маъруза ўқиди, аудиториянинг саволларига жавоб беради ва ўз навбатида талабаларга саволлар билан ҳужум қиласи. Бундай маърузаларда талабаларнинг фаоллиги анча юкори бўлади. Талабалар сони 20 тадан ортиқ бўлмагандан мунозарали маъруза методи анъанавий маърузаларга қараганда афзал бўлади, чунки бундай ҳолда ўқитишининг кичик гурухларда қўлланиладиган методларини татбиқ этишга кенг имкониятлар туғилади.

ВЕНН ДИАГРАММАСИ ТЕХНОЛОГИЯСИ

Бу методдан ўрганилган, бир-бирига боғлик мавзуларни таҳлил қилиш, солишириш, таққослаш ва мустаҳкамлашда фойдаланиш яхши самара беради. Ундан фойдаланиш босқичлари:

-талабалар икки гурухга бўлинади;

-плакатга чизилган диаграмма доскага осиб қўйилади;

-ҳар бир тўғри фикрга қўйиладиган балл олдиндан келишиб олинади;

-кўйилган топшириқ бўйича гурухларнинг ҳар қандай тўғри ёки нотўғри фикрлари бир талаба томонидан икки хил рангдаги фламастерда диаграмманинг тегишли жойларига ёзиб борилади;

-кичик гурух ичидан бирор талаба шерикларининг исми-шарифлари тўғрисига улар айтган фикрларни қайд қилиб боради;

-фикр билдиришлар ниҳоясига етгач ўқитувчи ва талabalар ҳамкорлигига тўғри ва нотўғри жавоблар аникланади;


-тўғри жавобга уч балл қўйиладиган бўлса, ҳар бир нотўғри фикр учун гурухнинг умумий балидан уч балл олиб ташланади;

-энг кўп балл тўплаган гурух ғолиб ҳисобланиб улар рағбатлантирилади;

-бу жараёнда кичик гурухда қайд этилган жавобларнинг нотўғрилари ўчириб чиқилади ва натижалар эътиборга олинган ҳолда талabalарга табакалаштирилган балл ёки баҳо қўйилади.

ТАРМОҚЛАР МЕТОДИ (КЛАСТЕР)

Фикрларнинг тармоқланиши бу педагогик стратегия бўлиб у талаба-ўкувчиларни бирор-бир мавзуни чукур ўрганишларига ёрдам бериб талаба-ўкувчиларни мавзуга тааллукли тушунча ёки аниқ фикрни эркин ва очиқ равshan кетма-кетлик билан узвий боғлаган ҳолда тармоқлашларига ўргатади. Бу метод бирон мавзуни чукур ўрганишдан аввал талаба-ўкувчиларнинг фикрлаш қобилиятини жадаллаштириш ҳамда кенгайтириш учун хизмат қилиши мумкин. Шунингдек, ўтилган мавзуни мустаҳкамлаш, яхши ўзлаштириш, умумлаштириш ҳамда талаба-ўкувчиларнинг шу мавзу бўйича тасаввурларини чизма шаклида ифодалашга ундейди.



“КЕЛАЖАК УСТАХОНАСИ” ТЕХНОЛОГИЯСИ

1. ТЕХНОЛОГИЯ ҲАҚИДА ТУШУНЧА

Ушбу технология мунозарали масалаларни ҳал этишда, биргаликда комплекс муаммолар ечимини топишга, баҳс мунозаралар ўтказишида ёки талабаларнинг мавзу ҳақида фикрларини билиш мақсадида қўлланилиши мумкин, чунки бу технология талабаларни ўз фикрини ҳимоя қилишга, эркин фикрлаш ва ўз фикрини бошқаларга ўтказишига, очик ҳолда баҳслашишга, шу билан бирга талабаларни ўкув

жараёнида эгаллаган билимларини таҳлил этишга, қай даражада эгаллаганликларини баҳолашга ўргатади.

2. ТЕХНОЛОГИЯ ТАРИХИ

Австралиялик футуролог Рорерт Юнг томонидан 60-йиллар охирида илк бор қўлланган. Р.Юнг биринчи марта бу усулдан Сицилия оролларида мафияни йўқотиш мақсадида фойдаланган. Кейен бутун Европа бўйлаб ёйилган. 40 йилдан бўён таълимда катта натижаларга эришилган.

3. ТЕХНОЛОГИЯ МОҲИЯТИ;

-Бу усул биргаликда комплекс муаммолар ечимини топишга ёрдам беради;

- Талабаларнинг машғулотларга қатнашиб даражасини маданийлаштиришга ёрдам беради.
 - Муаммога эга бўлганлар ечимга ҳам эгадирлар;
 - “Биз мутахассислармиз”;
 - Талаба қачонки муаммо ечимни топиша иштирок этса, ушбу ечимни хурмат қиласи.
 - Стандарт ҳолатда фикрлашдан қочган ҳолда янги ғояларни қидиришга ҳаракат қилиш лозим;
 - Бир хилликдан қочиш лозим;
- Муаммо борми демак унинг ечими ҳам мавжуд.

4. АМАЛГА ОШИРИШ ТЕХНОЛОГИЯСИ

Ушбу технология Зта босқичда амалга оширилади.

1-босқич. ТАНҚИД БОСҚИЧИ

Мазкур босқичда талабаларнинг дарс мавзуси бўйича барча танқидий қарашлари таҳлил қилинади ва танқидий фикрлар умумлаштириб ёзиб борилади. Масалан, “Тиббиёт коллежи ўқитувчисининг фаолият соҳалари” мавзуси бўйича 1-босқич учун куйидагича савол тузиш мумкин;

Тиббиёт коллежи ўқитувчиларининг фаолиятидаги асосий муаммо ва камчиликлар нималардан иборат?

Ушбу савол юзасидан ҳар бир талабанинг фикри тингланади, муҳокама қилинади ва ёзиб борилади. Босқич сўнгига энг асосий деб хисобланган Зта фикр доскага ёки экранга ёзилади.

Масалан;

1. Меъёрий хужожатлар билан ишлаш ва маъмурий топширикларнинг жуда кўплиги
2. Ўқувчилар хулқи
3. Ўқитувчи маоши камлиги

2-босқич. ХАЁЛ БОСҚИЧИ.

Бу босқичда ўқувчилар одатий фикрлардан бир хилликдан қочган ҳолда чукур фантазияга таянган ҳолда хаёлий фикрларни ифодалашлари талаб этилади. Хаёллар оғзаки, ёзма, чизма(расм. тасвир)ҳолатида тақдим этилади, ҳеч бир эътиrozларсиз қабул қилинади ва юқоридаги тартибда умумлаштирилиб. З таси ажратиб олинади.

2-босқич учун савол;

25-асрда тиббиёт колледжің үқитувчисини қандағы масавур қиласиз?

Тахминий жағоблар

1. Замонавий илмий салоҳиятли

2. Юксак билим, малака ва кўникмаларга эга

3. Энг замонавий шахс

3-босқич. АМАЛГА ОШИРИШ БОСҚИЧИ

Сўнгги босқичда 1 ва 2-босқичдаги фикрлар умумлаштирилиб, мавзу танқидий, илмий ва чукур хаёлий таҳлил қилингандан сўнг, асосий босқичга ўтилади.

Асосий босқич учун савол

Замонавий тиббиёт колледжи үқитувчисининг фаолият соҳалари ва унинг асосий вазифалари нималардан иборат?

1. Юксак гоявий, сиёсий ва касбий билимдонликга эга

2. Педагогик маҳоратли

3. Замонавий педагогик ва ахборот технологияларини ўзлаштирган

МАЪЛУМОТЛАРНИ УМУМЛАШТИРИШ ТЕХНОЛОГИЯСИ

1. ТЕХНОЛОГИЯ ҲАҚИДА ТУШУНЧА

Ушбу технология мунозарали масалаларни ҳал этишда, баҳс мунозаралар ўтказишда ёки ўқув режаси асосида бирон бўлим ўрганиб бўлингач кўлланилиши мумкин.

2. АМАЛГА ОШИРИШ ТЕХНОЛОГИЯСИ

Ушбу технология Зта босқичда амалга оширилади.

1-босқич

Мазкур босқичда ҳажми каттароқ мавзу, бўлим ёки боб бўйича талабаларнинг умумий тушунчаларни ўзлаштириши аниқланади. Бунинг учун мавзу(бўлим, боб) бўйича асосий тушунчалар ёзилади. Масалан;

“Касбий таълим методикаси” фанига оид асосий тушунчаларни ёзинг;

1. Таълим мазмуни
2. Касбий таълим методикаси
3. Ўқув услубий ишланмалар

2-босқич;

Бу босқичда 1-босқичдаги асосий тушунчаларнинг аниқ, қисқа ва мукаммал таърифлари, тушунча мазмуни ёзилади.

“Касбий таълим методикаси” фанига оид асосий тушунчаларни мукаммал таърифларини ёзинг

1. Таълим мазмуни -
2. Касбий таълим методикаси -
3. Ўқув услубий ишланмалар -

3-босқич;

Бу босқичда 1 – босқичдаги тушунчалар ва 2-босқичдаги асосий тушунчаларнинг аниқ, қисқа ва мукаммал таърифлари асосида мавзунинг мукаммал баёни ёзилади

"Касбий таълим методикаси" фанининг асоси ўтушунчалари ва тушунча таърифи, мазмунни асосида мавзу юзасидан мукаммал, тўлиқ баён ёзинг

Бекітілген табигаттың өзгеше сипаттахының вакытхоб сиптий ишемдердине кинетикалык негизги нюансын изложившият таъриғидан турады. Адабий жарнамада бул сиптий ишемдердиң таргузатынан табигаттың өзгеше сипаттахының вакытхоб сиптий ишемдердине кинетикалык негизги нюансын изложившият таъриғидан турады.

Адабий жарнамада табигаттың өзгеше сипаттахының вакытхоб сиптий ишемдердине кинетикалык негизги нюансын изложившият таъриғидан турады.

Адабий жарнамада табигаттың өзгеше сипаттахының вакытхоб сиптий ишемдердине кинетикалык негизги нюансын изложившият таъриғидан турады.

Адабий жарнамада табигаттың өзгеше сипаттахының вакытхоб сиптий ишемдердине кинетикалык негизги нюансын изложившият таъриғидан турады.

Адабий жарнамада табигаттың өзгеше сипаттахының вакытхоб сиптий ишемдердине кинетикалык негизги нюансын изложившият таъриғидан турады.

Адабий жарнамада табигаттың өзгеше сипаттахының вакытхоб сиптий ишемдердине кинетикалык негизги нюансын изложившият таъриғидан турады.

Адабий жарнамада табигаттың өзгеше сипаттахының вакытхоб сиптий ишемдердине кинетикалык негизги нюансын изложившият таъриғидан турады.

Адабий жарнамада табигаттың өзгеше сипаттахының вакытхоб сиптий ишемдердине кинетикалык негизги нюансын изложившият таъриғидан турады.

Адабий жарнамада табигаттың өзгеше сипаттахының вакытхоб сиптий ишемдердине кинетикалык негизги нюансын изложившият таъриғидан турады.

Адабий жарнамада табигаттың өзгеше сипаттахының вакытхоб сиптий ишемдердине кинетикалык негизги нюансын изложившият таъриғидан турады.

Адабий жарнамада табигаттың өзгеше сипаттахының вакытхоб сиптий ишемдердине кинетикалык негизги нюансын изложившият таъриғидан турады.

Адабий жарнамада табигаттың өзгеше сипаттахының вакытхоб сиптий ишемдердине кинетикалык негизги нюансын изложившият таъриғидан турады.

Адабий жарнамада табигаттың өзгеше сипаттахының вакытхоб сиптий ишемдердине кинетикалык негизги нюансын изложившият таъриғидан турады.

АДАБИЁТЛАР

1. Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги қонуни «Баркамол авлод-Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори» китобида. – Т., Шарқ, 1997, 20-29 бетлар.
2. Ишмуҳамедов Р.Ж. Инновацион технологиялар ёрдамида таълим самарадорлигини ошириш йўллари. -Тошкент, 2006.
3. Йўлдошев Ж.Ф., Усмонов С.А. Педагогик технология асослари. - Тошкент, 2005.
4. Каримжонов И.А. ва бошқ. Янги педагогик технологиялар. - Тошкент, 2002.
5. Сайдаҳмедов Н., Очилов А. Янги педагогик технология моҳияти ва замонавий лойиҳаси. -Тошкент, 1999.
6. Сайдаҳмедов Н. Янги педагогик технологияларни амалиётга кўллаш. Тошкент, 2000.
7. Садриддинзода Ш.Ж., Эшмуродов М.Ш. Педагогик технологиялар ва улардан фойдаланиш курси бўйича маъruzалар тўплами. -Самарқанд, 2007.
8. Ходиев Б.Ю., Голиш Л.В. Мустақил ўқув фаолиятини ташкил этиш услугуб ва воситалари. -Т.: ТДИУ, 2006.
9. Янги педагогик технологиялар ҳақида. -//Тузувчилар Э.Туракулов ва бошқ. -Самарқанд, 2007.
10. Йўлдошев Ж./, Усмонов С.А. Педагогик технология асослари. – Т.: Ўқитувчи, 2004.

Мундарижа

Кириш	3
Таълим технологиялари тарихи	4
Педагогик технологияларнинг пайдо булиши, тараққиёти ва асосий тушунчалари	6
Илғор педагогик технологиялардан фойдаланишнинг истиқболлари	8
Инновацион технологиялар тушунчаси	9
Интерфаол технологиялардан намуналар	16
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати	59

Босишига руҳсат этилди: 21.01.2019 Офсет қозоз.

Қозоз бичими 64x84 1/16 Times New Roman гарнитураси. Шартли босма табоги 3,75. Нашр.хисоб табоги 3,25. Адади 50.

«ZAMON POLIGRAF» ОК

босмахонасида чоп этилди.

Манзил: Ташкент шаҳри. Юнусобод тумани,
Бободеҳқон маҳалласи 45 ўй.

